

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЎЛАТОВ МУҲИДДИН ЭГАМБЕРДИЕВИЧ**

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КАПИТАЛ ҲИСОБИ ВА АУДИТИ  
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАҲЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри –2017 йил**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract**

**Пўлатов Муҳиддин Эгамбердиевич**

Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити

методологиясини такомиллаштириш ..... 3

**Пулатов Муҳиддин Эгамбердиевич**

Совершенствование методологии учета и

аудита интеллектуального капитала ..... 31

**Pulatov Mukhiddin Egamberdievich**

Improvement of methodology of accounting and

auditing of intellectual capital..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 63

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЎЛАТОВ МУҲИДДИН ЭГАМБЕРДИЕВИЧ**

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КАПИТАЛ ҲИСОБИ ВА АУДИТИ  
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАҲЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри –2017 йил**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида В2017.1.DSc/Iqt22 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Расмий оппонентлар:**

**Ибрагимов Абдугапур Каримович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Қурбонов Зият Ниязович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Каримов Ньъматулла Фатхуллаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.:(99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)).

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60 А уй. Тел.:(99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)).

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х.Ҳайдаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**С.У.Меҳмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,  
иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор

**А.Ж.Тўйчиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт  
фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳондаги глобаллашув шароитида интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятдан мақсадли ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибасига кўра фан ва технологияларга асосланган инновацион иқтисодиёт ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосини ташкил этади. Шу жиҳатдан ҳам инновацион иқтисодиётни таркиб топтириш, авваламбор инсон капиталидан самарали фойдаланиш, унга катта миқдорда инвестициялар киритишни тақозо этмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури маълумотларига кўра, интеллектуал капиталга сарфланаётган маблағларнинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги салмоғи АҚШда – 2,7%, Япония, Швеция, Исроилда – 3%-4,5% ни ташкил қилади. Интеллектуал капиталдан самарали ва мақсадли фойдаланиш борасида унинг назарий-услубий, меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатларини янада такомиллаштириш, жумладан гудвилл таркибидаги активларни алоҳида ҳисоб объекти сифатида қайд этиш, интеллектуал капитал аудити ва самарадорлигини баҳолаш борасида халқаро амалиётда фойдаланилаётган илғор тажрибалардан миллий даражада самарали фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирда жаҳонда замонавий талабларда келиб чиққан ҳолда интеллектуал капитал ҳисоби ва аудитининг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш борасидаги илмий изланишларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада, жумладан молиявий ҳисобот ва аудит натижаларидан фойдаланувчилар учун ахборот олиш имкониятларини янги ҳисобот шакллари асосида кенгайтириш, бизнес ҳамкорлар учун фаолият юритишга қулай шароит яратиш мақсадида интеллектуал капитални инсон капитали, ташкилий капитал ва истеъмол капитали турларига таснифлаш, тан олиш ва баҳолаш, ҳисоб ва ҳисоботда, аудит ва унинг таҳлилий амалларида ўзаро муносабатликни ўрганиш объекти ҳамда даврийлиги жиҳатдан таъминлаш, харажатларни капиталлаштириш, активлар таркибини гудвилл таркибидан чиқарилувчи активлар ҳисобидан аниқлаштиришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида инсон омили, жумладан унинг интеллектуал салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиб, муайян натижаларга эришилди. Бу борада, жумладан интеллектуал капитал ва уни ҳисобга олиш бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти амалиётга жорий этилди. Шулар билан бир қаторда, таъкидлаш жоизки, мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, жумладан интеллектуал капитал ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш борасида ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида қабул қилинган дастурларда «инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган инвестициялар ҳажмини ошириш,

фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштириш, илм-фанга инвестиция киритадиган корхоналар сонини сезиларли даражада ошириш, мавжуд илмий салоҳият ва маблағларни иқтисодиёт тармоқларининг буюртмалари ва муайян муаммоларни ечишга қаратилган энг муҳим устувор тадқиқотларга йўналтириш, янги технологияларни жорий қилувчи ва интеллектуал капитал имкониятларидан кенг фойдаланувчи корхоналарга имтиёзлар ва преференциялар бериш»<sup>1</sup> борасида аниқ вазифалар белгилаб берилди. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда интеллектуал капитални тан олиш ва таснифлаш мезонлари, баҳолаш, счётларда ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш механизмлари, интеллектуал капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳисобини юритиш, интеллектуал капитал компонентлари ҳақидаги маълумотларни жаҳон ҳисоб тажрибасига мос равишда ташқи фойдаланувчиларга тақдим этиш, аудитини режалаштириш юзасидан илмий изланишларни амалга оширишни тақазо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги 274-сон «Аудиторлик хизматлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятига тегишли бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Интеллектуал капитал мазмуни, бухгалтерия ҳисоби ва аудити, уларнинг илмий-назарий ва методологик муаммоларини ҳал этиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, The center for economic and business research (CEBR), American Institute of Certified Public Accountants (ACIPA), Harvard University, Columbia University, University of Chicago, University of California, Stanford University, Princeton University (АҚШ), Auditing Practices Committee,

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон» Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.library.princeton.edu](http://www.library.princeton.edu); <https://www.cebr.com>; <http://www.ucalgary.ca>; [www.forbes.com/colleges/stanford-university](http://www.forbes.com/colleges/stanford-university); <https://www.universityofcalifornia.edu>; [en.nagoya-u.ac.jp](http://en.nagoya-u.ac.jp) ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

The Institute of Internal Auditors (IIA), PricewaterhouseCoopers, Ernst & Young, The Institute of Chartered Accountants in England and Wales – ICAEW, International Accounting Standards Board (IASB) (Буюк Британия), University of Calgary (Канада), Nagoya University, Kyoto University (Япония), Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети, Томбов давлат университети, Новосибирск давлат университети (Россия Федерацияси), Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий изланишлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва бошқарув методологияси нуқтаи-назаридан интеллектуал капитал таркибига кирувчи объектлар таснифи ва туркумланиши тақлиф этилган (The center for economic and business research, АҚШ); интеллектуал капитални корхона фақатида тан олиш, интеллектуал капитал таркибий қисмларини баҳолаш усулларидадан фойдаланиш механизмлари асосланган (Harvard University, АҚШ); бизнесда интеллектуал капитални ҳисоботларда акс эттириш хусусиятлари, интеллектуал капитал таркибини туркумлаш, улардан фойдаланишнинг даромадга таъсири, шунингдек, хўжалик юритувчи субъект ва бутун тармоқ иқтисодий ўсишига имкон яратиши асосланган (Princeton University, АҚШ); бизнес капиталида инсон капитали кўрсаткичларининг ўрни, уларни ривожлантириш истиқболлари асослаб берилган (The Institute of Internal Auditors (IIA), Буюк Британия); интеллектуал капитал ҳисобини ташкил этиш компаниялар инвестицион жозибадорлигини ошириши, инсон капиталига йўналтирилаётган инвестицияларнинг ҳисобини янги ҳисоб регистрлари асосида оптимал ташкил этиш усуллари асосланган (University of Calgary, Канада); интеллектуал капитал таркибий қисмларини баҳолаш, ҳисоботларда акс эттириш, ходимлар малакасининг оширилиши корхона умумий ишлаб чиқариш самардорлигига таъсирини ошириши асосланган (Nagoya University, Япония).

Дунёда интеллектуал капитал ҳисоби ва аудитининг меъёрий-ҳуқуқий, назарий, ташкилий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: интеллектуал капиталнинг ҳисоб ва аудит объектлари сифатидаги таснифий асосларини белгилаш ва таркибий қисмларини алоҳида сўтларда юритиш; инсон капитали, истеъмол капитали ва ташкилий капиталнинг аналитик ва синтетик ҳисоб регистрларини янги шакллар асосида такомиллаштириш; йирик бизнесларнинг капитал сифатидаги ўзаро айирбошланишида юзага келувчи ноаниқ номдаги гудвилл таркибини аниқлаштириш; интеллектуал капиталга йўналтирилаётган инвестициялар ҳисобини ҳисоб регистрларида аниқ юритилиши орқали мукамаллаштириш; интеллектуал капитал тўғрисидаги ахборотларни молиявий ҳисобот шаклларида алоҳида сўтларда акс эттириш; интеллектуал капитал аудитини халқаро стандартлар асосида даврийликдан мунтазамликка ўтказиш ва амалга ошириш кетма-кетлигини такомиллаштириш; таҳлилий амаллардан интеллектуал қувватни ва унинг

самарадорлигини оширишга қаратилган аудиторлик тавсияларини ишлаб чиқишда фойдаланиш; ташқи ва ички аудиторлар томонидан интеллектуал капитал турлари, мақсади ва хизмат муддатлари бўйича тузиладиган аудиторлик иш хужжатларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Интеллектуал капитал, уни ҳисоби, таҳлил ва аудитининг назарий, ташкилий ва методологик жиҳатлари хориж олимларидан Д.Белл, Г.Беккер, Э.Брукинг, Л.Эдвинссон, М.Малоун, Р.Каплан, Р.Коуз, Т.Коупленд, К. Свэйби, А.Стюарт, В.Супрун, Ф.Махлуп, Б.Мильнер, А.Аренс, Л.Бернстайн, Б.Мильнер, Л.Пачоли, Ж.Ришар, Ж.Хикс<sup>3</sup>, МДХ мамлакатлари олимларидан бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, баҳолаш, аудит назарияси ва амалиёти борасида С.Барнгольц, В.Гальперина, А.Хорин, В.Иноземцов, А.Козырев, Б.Леонтьев, Д.Львов, С.Валдайцев, А.Грязнова, Ю.Данилевский, В.Карагода, Ж.Кеворкова, Н.Кобзева, А.Шеремет ва бошқаларнинг ишларида баён этилган<sup>4</sup>.

Бу борадаги айрим масалалар республикаимиз олимларидан Қ.Абдурахмонов, Б.Беркинов, А.Кравченко, Б.Ходиев, А.Авлакулов, А.Ибрагимов, Б.Исроилов, З.Мукумов, М.Пардаев, Н.Ризаев, К.Уразов,

---

<sup>3</sup>Bell D. The social framework of the information society // The computer age: a 20-year view L. - N.Y., 1981. с.93.; Беккер, Г.С. Человеческий капитал. URL: <http://methodology.chat.ru/beckerl.htm>, Брукинг Э. Интеллектуальный капитал / Пер. с англ.Под.ред. Л.Н. Ковалик. - СПб.: Питер, 2001. с-256.; <sup>3</sup> Edvinsson, L. and Malone, M.S. (1997) Intellectual Capital: Realizing your Company's True Value by Finding Its Hidden Brainpower, Harper Business, New York, NY; Каплан Р.С. Сбалансированная система показателей. От стратегии к действию / Р.С.Каплан, Д.П.Нортон: Пер. с англ. — М.: ЗАО Олимп-бизнес, 2003. — 304с.; Коуз Р. Фирма, рынок и право. - М.: Дело, 1993. с-151.; Коупленд Т. Стоимость компании: оценка и управление / Т.Коупленд, Т.Коллер, Дж.Муррин; Под ред. Т.Коупленда: Пер. с англ. - М.: ЗАО«Олимп-Бизнес», 1999. с-47.;SveibyК.Е.Intellectual Capital and Knowledge Management. 1998.-213 р.Стюарт Томас А. Интеллектуальный капитал. Новый источник богатства организаций / Пер. с англ. В. Ноздриной. — М.:Поколение, 2007. — 368 с.Stewart T.A. Intellectual Capital. The New Wealth of Organizations. New York: Currency Doubleday, 1997; Супрун В.А. Интеллектуальный капитал: Главный фактор конкурентоспособности экономики. — М.:КомКнига, 2006; Махлуп Ф. Производство и распространение знаний в США / Пер. с англ. - М., 1966. - 352с.; Мильнер Б.З. Теория организации: Учебник. — М.: ИНФРА-М, 2003.-с.42.; Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. Пер. с англ. под ред. Я.В. Соколова. - М.: Финансы и статистика, 1995. -560с.; Мильнер Б.З. Теория организации: Учебник. — М.: ИНФРА-М, 2003.-с.42.; Пачоли Л. Трактат о счетах и записях / Под ред. Я.В. Соколова. - М.: Финансы и статистика, 2001. - 368с.; Ришар Ж. Аудит и анализ хозяйственной деятельности предприятия. Пер. с фр. под ред. Л.П. Бельх. - М.: Издательство ЮНИТИ, 1997. с-236.;Хикс Д.Р. Стоимость капитала / Пер. с англ. - М.: Прогресс Универс, 1993.-с.178.;

<sup>4</sup>Теория фирмы / Под. ред. Гальперина В.М. -СПб.: «Экономическая школа», 1995.с.19.; Иноземцев В.Л. Концепция постэкономического общества: теоретические и практические аспекты: Дис. докт. экон. наук: 08.00.01 / Институт МЭиМО РАН. -М., 1998. -368с.; Хорин А.П. Раскрытие существенной информации // Бухгалтерский учет. - 1999. - N 11, 12.; Козырев А.П. Математический и экономический анализ интеллектуального капитала: Дис. докт. экон. наук: 08.00.13 / ЦЭМИ РАН - М., 2002. с-42.; Кобзева Н.В. Банкротство: учет, анализ, аудит. М.:Магистр:ИНФРА-М, 2013.-208с., Леонтьев Б.Б. Цена интеллекта. Интеллектуальный капитал в российском бизнесе. - М.: Издательский центр «Акционер», 2002. - 200с.; Львов Д.С. Экономическая теория научно - технического прогресса. - М.: Наука, 1982. - 256с.; Аудит/Под ред.В.С.Карагода. Москва: Издательство Юрайт, 2016. -512с., Барнгольц С. Б. Экономический анализ хозяйственной деятельности на современном этапе. - М.: Финансы и статистика, 1984. - 214с.; Бернстайн Л.А. Анализ финансовой отчетности: теория, практика и интерпретация: Пер. с англ. - М.: Финансы и статистика, 2002. — 624с.; Внутренний аудит./под ред.Ж.А.Кеворковой. М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2014.-319с., Валдайцев СВ. Оценка бизнеса и управление стоимостью предприятия: Учеб.пособие для вузов. — М.: ЮНИТИ-ДАТА, 2001. с— 491.; Оценка бизнеса: Учебник / Под ред. А.Г.Грязновой, М.А.Федотовой. -М.: Финансы и статистика, 2002. с-105-106.; Данилевский Ю.А. Становление аудита в России // Бухгалтерский учет-1995.-N 5.-С.39-42;-N 6.С.54-59;- N 7.-С.52-54.; Шеремет А.Д., Негашев Е.В. Методика финансового анализа. М.: ИНФРА-М, 1999. -250 с.



З.Қурбонов, Б.Хасанов, Н.Каримов, А.Ирманов асарларида қисман ўрганилган<sup>5</sup>.

Бирок, таъкидлаш лозимки, айнан интеллектуал капитал ҳисоби, таҳлили ва аудити методологиясини такомиллаштиришга қаратилган масалалар тизимли ҳолда илмий-назарий ва методологик жиҳатдан ёритиб берилмаган. Мазкур ҳолат ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф-6 «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётини концептуал йўналишлари» доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий ва амалий йўналишдаги таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги талабларидан келиб чиқиб, интеллектуал капиталнинг таркибий тузулмаси ва компонентларини илмий жиҳатдан асослаш;

интеллектуал капитални бухгалтерия ҳисоби ва аудит объекти сифатида тан олиниши нуқтаи-назаридан уларнинг таснифини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

интеллектуал мулкни интеллектуал капиталнинг таркибий қисми эканлигини асослаш, уларнинг турлари бўйича алоҳида ҳисоб ва ҳисоботда тан олиш мезонлари ва баҳоланиш тартибларини такомиллаштириш бўйича илмий назарий таклиф ва тавсиялар бериш;

гудвиллга доир амалдаги ҳисоб тамойиллари тўлиқ шаклланмаганлиги, унинг таркибида ноўрин ҳисобга олинаётган қийматларнинг мавжудлигини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ва унинг ҳисобини алоҳида юритиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

---

<sup>5</sup>Абдурахмонов Қ.Х. Человеческое развитие.- Тошкент: Fan va texnologiya, 2012.-376 б.; Абдурахмонов Қ.Х. Инсон тараққиёти. Дарслик. – «Фан ва технология» нашриёти, 2013. – 476 б., Беркинов Б., Эшов М. Управление стоимостью предприятия. –Ташкент: ТГЭУ. 2009.-320с.; Ходиев Б., Беркинов Б., Кравченко А. Бизнес қийматини баҳолаш.-Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2007, -256 б. Авлокулов А.З.Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида инвестицион мулк ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Дис. ...икт. фан. номз. дис. автореферати;/ Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. -Т., 2007. -22 б. Ибрагимов А.К. Банкларда бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари/ А.К.Ибрагимов, М.Д.Марпатов, Н.К.Ризаев. -Т.: Молия, 2016. -370 б.; Мукумов З. Инновацион фаолият харажатлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш масалалари (Ўзнефтегазмаш АК корхоналари мисолида). Дис. ...икт.фан.номз. дисс. автореферати;/ Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. -Т., 2010. -22 б. Ризаев Н. Банк активлари ҳажмини оширишда интеллектуал мулкка эътибор.//Бозор, пул ва кредит. 2013. №3. Б.54-60.Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. – Тошкент: Фан, 2005. – 236 б.; Qurbonov Z. Issues improving analysis of indirect taxes// Accounting and financial management research (IAFMR) feb. 2016, volume 6. India. Pages 1-5.; Пардаев М.Қ, Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001, -256 б.; Набиев Ф., Пардаев М.Қ. Интеллектуал мулк ўзининг қиймати ва бозорига эга бўлиши лозим.// Сервис. 2017. № 1. Б.4-9. Хасанов Б.А. Темир йўл транспорти корхоналарида асосий фаолият харажатлари ҳисобини такомиллаштириш : Монография. -Т.: Иқтисодиёт, 2012. -128 б., Ирманов А. Человеческий капитал в Узбекистане: и состояние и перспективы. – Т.: 2009.

интеллектуал капитални алоҳида турлари бўйича таркибини шакллантиришга йўналтириладиган инвестицияларнинг ўзига хос хусусиятларини асослаш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;

корхоналар активлари ҳақидаги маълумотларнинг ташқи фойдаланувчилари мақсадидан келиб чиққан ҳолда интеллектуал капитал ҳақидаги ҳисобот шаклининг тузилиши ва кўрсаткичлари, уларни акс эттириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бозор муносабатлари талабидан келиб чиққан ҳолда интеллектуал капитал бизнес аудитини ташкил этиш моделини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

интеллектуал капитал аудитининг корхоналар бизнес фаолиятига таъсирини баҳолашнинг эконометрик моделини ишлаб чиқиш ва уни қўллаш механизминини тавсия қилиш;

интеллектуал капиталнинг бизнес фаолиятига таъсирини баҳолашнинг эконометрик моделидан корхоналарнинг миқдорий ва сифатий кўрсаткичларини таҳлил қилишда ҳамда прогнозлаштиришда қўллаш йўлларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** интеллектуал капитал ҳисоби, таҳлили ва аудитини ташкил этишнинг илмий-назарий, амалий ҳамда методологик асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик, корреляцион ва регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш, илмий абстракция, омилли таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

гудвилл таркибида ҳисобга олинаётган қийматлар ҳисобини алоҳида юритиш ҳамда гудвиллга доир амалдаги ҳисоб юритиш тизимини мутаносиблик тамойиллари асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

иқтисодиётни инновацион ривожлантириш талабларидан келиб чиққан ҳолда «Номоддий активлар» (0400) счётини «Интеллектуал капитал» деб юритиш асосланган ҳамда унинг таркибини инсон капитали, таркибий капитал ва истеъмол капитали учун алоҳида счётлар ташкил этилиши негизида реструктуризациялаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

интеллектуал капиталнинг таркибий тузилмаси, унинг бухгалтерия ҳисоби ва аудит объекти сифатида қаралиши, уларни «капитал» сифатида тан олишнинг мезонлар тизими ва баҳоланиш тартиблари такомиллаштирилган;

интеллектуал капитални шакллантиришга йўналтириладиган инвестициялар бухгалтерия ҳисобининг кўп босқичли хусусиятлари асосланган, интеллектуал капитал ҳақидаги ахборотларни ташқи фойдаланувчиларга

тақдим этишга мўлжалланган ҳисобот шаклининг тузилиши ва кўрсаткичлари ҳамда акс этириш тизими такомиллаштирилган;

интеллектуал капитал бизнес аудитини амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва улар ўзаро боғлиқлигининг такомиллашган занжири, интеллектуал капитал ҳақидаги маълумот манбалари аудитини амалга ошириш кетма-кетлиги асосланган;

интеллектуал капитал аудитини бизнес фаолиятга таъсирини баҳолаш ва унинг умумий бизнес жараёнига миқдорий-сифат жиҳатдан таъсирини прогнозлаштириш услубияти такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

харажатлар, гудвилл таркибида ҳисобга олиниб келинаётган интеллектуал капитал таркибий компонентларининг ҳисоби мақсадли сётларда юритилиши натижасида ҳисоботларни аниқ шакллантириш тартиби ишлаб чиқилган;

харажатларнинг тўғри ҳисобга олиниши натижасида интеллектуал капитал таркибига олинган қийматлар миқдорига фойдани кўпайтириш йўллари асосланган;

интеллектуал капитал ҳақидаги ҳисобот шаклининг амалга киритилиши натижасида корхоналар маълумотларидан фойдаланувчилар учун унга аниқроқ баҳо бериш, аудитини самарали амалга ошириш имкониятлари асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамиятининг расмий маълумотларидан фойдаланилгани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан корхоналарда интеллектуал капитал ҳисоби ва аудитини ташкил этишга оид назарий-методологик ва услубий аппаратни ҳамда мавзуга оид ҳисоб, таҳлил ва аудит концепцияларини такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялар республика корхоналарида интеллектуал капитал ҳисоби ва аудитини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқиладиган бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолияти стандартларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

гудвилл таркибига кирувчи ноаниқ ном, қиймат ва самарадорликка эга бўлган активларнинг алоҳида тан олиниши, активлар таркиби аниқлаштирилиши, қийматларининг белгиланиши ва улардан олинаётган самарадорлик даражаси аниқ баҳоланиши, интеллектуал капитал таркибий

компонентлари, уларни шакллантиришга йўналтирилган инвестициялар бухгалтерия ҳисоби таянч тамойиллари ва қоидаларини такомиллаштиришга оид натижалар Молия вазирлигининг тегишли буйруғи (05.09.2016й., №66) билан тасдиқланган «Номоддий активлар» номли 7-сон БҲМСни янги таҳрирда тасдиқлаш жараёнида фойдаланилган (Молия вазирлигининг 2017 йил 9 июндаги ММ/04-04-37-08/377-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш гудвилл таркибида ноўрин ҳисобга олиб келинаётган ҳисоб объектларининг алоҳида синтетик ва аналитик счётларда ҳисобга олинишига, улардан кўриляётган самарадорликнинг аниқ баҳоланишини ташкил этишга хизмат қилган;

корхоналар молиявий ҳисоботлар тизимини ислоҳ қилиш тамойиллари, жумладан интеллектуал капитал ҳақидаги ҳисобот шакли ва унда маълумотларни акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимига доир илмий натижалар Молия вазирлигининг тегишли буйруғи (19.10.2016й., №80) билан тасдиқланган «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидалар»га қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Молия вазирлигининг 2017 йил 9 июндаги ММ/04-04-37-08/377-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш интеллектуал капитал ҳақидаги иқтисодий маълумотлардан фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш, маълумотлар тизимининг узлуксизлигини таъминлаб, инвесторларга мақсадли қарорлар қабул қилишида шароитлар яратилишига имкон берган;

корхоналар ва аудит институтлари ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш, хусусан интеллектуал капитал таркибига кирувчи инсон капитали, ташкилий капитал ва истеъмол капитали хусусиятларига боғлиқ ҳолда «Бизнес аудити» тушунчаси, «Бизнес аудитини ташкил этиш схемаси», интеллектуал капитал аудитини амалга ошириш кетма-кетлигига оид илмий натижалар Молия вазирлигининг тегишли буйруғи (19.10.2016й., №81) билан тасдиқланган «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шакли ва уни тўлдириш қоидалар»га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Молия вазирлигининг 2017 йил 9 июндаги ММ/04-04-37-08/377-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш интеллектуал капитал аудити бизнес кўламини тўлиқ қамраб олиш, унинг истиқболга қаратилганлигини инобатга олган ҳолда, аудитор учун ишлар самарадорлиги, аудит режасининг оптимал тузилиши ва дастурни амалга оширишда сезиларли энгилликларга эга бўлишига, аудитнинг «жавобгарлик кўламини» нафақат бизнеснинг молиявий кўламига, балки бутун бизнес тизимига кенгайтиришга имкон берган;

енгил саноат тармоғида инсон капиталини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳолати эконометрик усул билан баҳоланиб, тармоқда ялпи ишлаб чиқаришни жадаллаштириш учун инновацион омилларга кўпроқ эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги илмий натижалардан «Ўзбекенгилсаноат» акционерлик жамияти фаолиятини 2017-2021 йилларда ривожлантириш дастури»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ўзбекенгилсаноат» АЖНинг 2017 йил 10 январдаги 2-сон баённомаси, 2017 йил 17 январдаги №БС-12-135-сон маълумотнома). Илмий

натижаларнинг жорий қилиниши енгил саноат тармоғида меҳнат харажатларини кўшимча равишда 1% га ошириш тармоқни кўшимча равишда 0,25% га, физик капитални кўшимча равишда 1% га ошириш тармоқни кўшимча равишда 0,3% га ошириш ҳамда енгил саноат тармоғида инсон капиталига харажатларни 1% га ошириш тармоқнинг кўшимча равишда 0,55% га ўсишга олиб келган;

узок муддатли иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида кўпвариантли ва кўпомилли дисперсион ва корреляцион тенграмалардан фойдаланиш методологияси Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси томонидан республикада инсон капиталига киритилаётган умумий инвестициялар кўламининг ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларига таъсирини прогноз қилиш амалиётида фойдаланилган (Давлат статистика кўмитасининг 2017 йил 14 июлдаги 5-сон Ҳайъат йиғилиши баённомаси, Давлат статистика кўмитасининг 2017 йил 17 июлдаги 01/1-04-16/2-33 сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижаларнинг жорий қилиниши соҳада интенсив ўсиш омилларини нафақат миқдор, балки сифат кўрсаткичларда ҳам баҳолаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 12 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, жумладан 2 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти, мақсади, вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Интеллектуал капитал, уни ҳисоби ва аудитининг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида интеллектуал капиталга доир замонавий концепциялар (моделлар), ушбу капитал ҳисоби ва аудитининг назарий масалалари тадқиқ этилган.

Кишилик жамиятида унинг бош мақсади, унга эришишни таъминловчи бош омил одамларнинг манфаатлари ва имкониятлари ҳисобланади. Айнан инсон манфаатлари ва имкониятларининг муштараклиги жамиятда интеллектуал капитални, бу капиталнинг таркибий қисми бўлган инсон капиталини доимий равишда ривожлантирилиши кишилик жамиятини равақ топтириш қонуниятига айлантиради. Ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсишга инсон капитали ва инновацияларнинг таъсири юқори эканлиги, бизнинг республикамызда ҳам инсон капиталига киритилаётган маблағларни борган сари ошиб бораётганлиги ушбу қонуниятнинг ёққол исботидир (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистонда инсон капиталига сарфланаётган харажатлар<sup>6</sup>.**

Ушбу расмдан кўришиб турибдики, таҳлил қилинаётган йилларда асосий капиталга қилинган инвестициялар ҳажми ва инсон капиталига харажатлар кўпайиб борган ва натижада инсон капиталига харажатлар 2010 йилга нисбатан 2015 йилда - 14254 млрд.сўмга ва 2016 йилда эса – 17860 млрд. сўмга кўпайганлиги инсон капиталини янада ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикасида қулай шароитлар яратилганлигини кўришимиз мумкин.

Республикамызда ЯИМнинг 2007-2016 йиллар давомида йиллик ўсиш суръати ўртача 7,8-9,5% ўсиши таъминланган бир даврда, инсон капиталига қилинаётган харажатларнинг ўсиш суръати ўртача 1,04 %ни ташкил этган (1-жадвал).

Кўришиб турибдики, республикамызда инсон капиталини ривожлантириш ва унга йўналтириладиган харажатларни кўпайтириш ўта долзарб масалалардан бири эканлигидан далолат беради.

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2016; Ўзбекистон молияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2016.- 28 Б; 157Б.

Тадқиқот жараёнида интеллектуал капиталнинг таркибий тузилмаси инсон капитали, ташкилий ва истеъмол капиталидан иборатлиги илмий асосланган ва улар негизда корхоналарда интеллектуал капитални бухгалтерия ҳисоби ва аудит объекти сифатида қаралиши таклиф этилган, уларни «капитал» сифатида тан олиш мезонлари асосланган ва алоҳида ҳисоб ва ҳисоботда баҳоланиш тартиблари такомиллаштирилган.

1-жадвал

**ЯИМ ва инсон капиталига қилинган харажатлар ўсиши<sup>7</sup>**

| Йиллар | ЯИМ ўсиш суръати (фоиз) | Асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръати (фоиз) | Иқтисодиётда бандликнинг ўсиш суръати (фоиз) | Инсон капиталига харажатларнинг ўсиш суръати (фоиз) |
|--------|-------------------------|---------------------------------------------------------------|----------------------------------------------|-----------------------------------------------------|
| 2007   | 9,5                     | 25,8                                                          | 2,6                                          | 0,98                                                |
| 2008   | 9,0                     | 34,1                                                          | 2,8                                          | 1,04                                                |
| 2009   | 8,1                     | 24,8                                                          | 2,7                                          | 1,01                                                |
| 2010   | 8,5                     | 8,7                                                           | 2,7                                          | 1,08                                                |
| 2011   | 8,3                     | 3,8                                                           | 2,5                                          | 1,07                                                |
| 2012   | 8,2                     | 12,7                                                          | 2,6                                          | 0,98                                                |
| 2013   | 8,0                     | 12,1                                                          | 2,5                                          | 1,09                                                |
| 2014   | 8,1                     | 9,9                                                           | 2,4                                          | 1,07                                                |
| 2015   | 8,0                     | 9,6                                                           | 2,3                                          | 1,08                                                |
| 2016   | 7,8                     | 7,7                                                           | 2,3                                          | 1,09                                                |

«Интеллектуал капитал» нисбатан янги категориядир. Мутахассислар ва олимлар орасида ҳозиргача унинг ягона таърифи ва таркиби борасида аниқ тўхтамга келинмаган. Халқаро таълимот ва тажрибада унинг турли концепциялари ва моделлари (хусусан, Стюарт, Эндиссон, Брукинг, Свэйби концепциялари ва моделлари) кенг тарқалган. Улар ичида анъанавий концепция сифатида Томас А. Стюарт модели<sup>8</sup> тан олинган. Ушбу моделга кўра интеллектуал капитал қуйидаги учта қисмдан ташкил топади (2-расм).

Ушбу модель муаллифи ва унинг тарафдорлари фикрларини қўллаб-қувватлаймиз, чунки интеллектуал капиталнинг ушбу қисмлари иқтисодиёти жаҳон иқтисодиётига интеграциялашган ҳозирги пайтда мамлакатимиз ҳисоб ва ҳисоботи тизимига ҳам тўғри келади. Шу туфайли, уларни қуйидагича изоҳлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик:



2-расм. Интеллектуал капитал таркиби.

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2016. Тошкент: Ўзбекистон, 2016.-142 Б.

<sup>8</sup>Stewart T.A. Intellectual Capital. The New Wealth of Organizations. New York: Currency Doubleday, 1997.

*\*инсон капитали*- бу кишиларга тааллуқли уларнинг кўзга кўринадиган энг муҳим жиҳатлари, жумладан корхона ходимларининг малакаси, амалий кўникмалари, иш тажрибалари, шунингдек ижодий ва фикрлаш қобилиятлари, бу фазилатлардан мақсадли фойдаланилиши турли даражаларда (индивид, корхона ёки жамият) даромад ва фойда ошишига, иш сифати ҳамда самарадорлигини оширишга имкон беради.

*\*ташкилий капитал* - бу ташкилотнинг инсон ресурсларининг билим базалари билан боғлиқ бўлмаган барча бошқа томонлари – ташкилий таркиблар ва жараёнлар, ички корпоратив маданият, янги қийматликларни яратиш учун кўп марталаб ишлатилиши мумкин бўлган номоддий активларидан фойдаланиш қобилиятларини ифодалаши туфайли бу ҳам юқорида таъкидланганидек, даромад ва фойда ошишига, иш сифати ҳамда самарадорлигини оширишга имкон яратади.

*\*истеъмол капитали* – бу таъминотчи ва харидорлар билан алоқалар, улар тўғрисидаги ахборот базалари, корхона репутацияси, маркетинг каналлари, ишлаб чиқариш тармоқлари, мижозларнинг қониқиши каби истеъмол билан боғлиқ жараёнларни ифодалаганлиги туфайли бу ҳам юқорида таъкидланганидек, турли даражаларда даромад ва фойда ошишига, иш сифати ҳамда самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Ўрганилган манбаларда интеллектуал капиталга берилган таъриф турли жиҳатлари бўйича қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Бизнинг фикримизча, интеллектуал капиталга бериладиган таърифда унинг мазмун ва моҳияти бир хилда берилиши, шунингдек интеллектуал капиталнинг иқтисодийнинг турли даражаларида бойлик эканлиги, бу бойликни миқдор ва пул бирлигида баҳоланиши ва ўлчаниши лозим. Ушбу заруратдан келиб чиқиб, интеллектуал капитални бухгалтерия ҳисоби ва аудит объекти сифатида қаралишини таклиф этамиз.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, ишда интеллектуал капиталга қўйидагича муаллифлик таърифи берилди. *Интеллектуал капитал* деганда кишилик жамиятининг яхлит тармоқ ва соҳаларга кирувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг турли миқдор, сифат ва қиймат бирликларида баҳоланадиган ва ўлчанадиган бойликлари мажмуаси тушунилади.

Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудитининг энг долзарб концептуал масалаларидан бири – ушбу бойлик турини корхоналар активи сифатида тан олиш мезонлари ва тартибларини белгилаш ҳисобланади. Ҳозирги пайтда амалдаги меъёрий ҳужжатларда, хусусан «Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун концептуал асос»<sup>9</sup> мувофиқ (39-модда) *активлар* деганда хўжалик юритувчи субъектнинг баҳолаш қийматига эга бўлган ва ўз ичига пул маблағлари ва дебиторлик қарзларни олган моддий ва номоддий мулки тушунилади. Шунингдек, ушбу меъёрий ҳужжатларга асосан актив деб тан олиш учун моддий ва номоддий мулк баҳолаш қийматидан ташқари бошқа

---

<sup>9</sup>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1998 йил 14 августда 475–тартиб рақами билан рўйхатга олинган.



талабларга, чунончи эгалик қилиш ҳуқуқи берилган корхона томонидан назорат қилиниши, келгусида корхонага иқтисодий наф келтириши каби талабларга жавоб бериши лозим.

Бухгалтерия ҳисоби негизида ётувчи актив атамасининг юқорида келтирилган таърифи ва тавсифига кўра унда ҳозирги пайтда мазмунан интеллектуал капитал ҳисобланаётган, бироқ жисмоний кўринишга эга бўлмаган ва қийматини реал аниқлашнинг имкони бўлмаган айрим бойликлар ўз аксини топмасдан қолмоқда. Айнан шу боис ҳам, интеллектуал капитал шу номда бухгалтерия ҳисоби ва аудит объекти таркибида ўз ўрнини топмасдан келмоқда.

Бизнинг фикримизча, интеллектуал капитал ўзининг моҳияти, таркибий қисмлари, уларнинг аксариятини макон ва замонда баҳолаш ва ўлчашнинг мумкинлиги бўйича уларни аниқ корхона капитали (активи) сифатида, мос равишда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг объекти сифатида тан олиш мезон (талаб)ларига асосан жавоб беради (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Кишилик жамияти ва корхоналар миқёсида интеллектуал капитални «Капитал» сифатида тан олиш мезонлари

| №  | Капитал деб тан олишга асос бўлувчи мезон | Мезон (талаб)нинг интеллектуал капиталга тегишли хусусиятлари                                                                                                                                                                                                                                             |
|----|-------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. | Моддийлик                                 | Интеллектуал капиталнинг моддийлиги унинг вакиллари меҳнат ресурслари ҳисобланган мутахассислар ва ходимлардан иборат эканлигида намоён бўлади                                                                                                                                                            |
| 2. | Номоддийлик                               | Интеллектуал капиталнинг номоддийлиги унинг вакиллари томонидан яратилаётган илмий ишланмалар ва ғоялар (ноу-хау), янги маҳсулот (иш, хизмат, лойиҳа турлари)ни патентлар, товар ва савдо белгилари, дастурлар, лойиҳалар, муаллифлик ҳуқуқлари, қилинган ташкилий харажатлар ва бошқаларда намоён бўлади |
| 3. | Наф келтиришлик                           | Интеллектуал капиталнинг нафлиги интеллигенция вакиллари жамият ва унинг таркибий бўғинлари бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини, хусусан улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, уларни сотишдан олинаётган даромадлар ва фойдани ошиб боришида намоён бўлади                   |
| 4. | Қийматга эгалик                           | Интеллектуал капитал вакиллари ҳисобланган мутахассислар ва ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишга сарфланаётган маблағлар миқдоридан намоён бўлади                                                                                                                                     |
| 5. | Истеъмол қийматига эгалик                 | Интеллектуал капитал вакиллари ҳисобланган мутахассислар ва ходимлар меҳнати орқали жамиятнинг ижтимоий, техник, иқтисодий, гуманитар ва бошқа талаблари қондирилаётганлигида намоён бўлади                                                                                                               |
| 6. | Бошқа активга алмаштиришлик               | Интеллектуал капитал вакиллари ҳисобланган мутахассислар ва ходимларни тузилган шартномалар шартлари асосида ўзга субъектларга вақтинчалик ёки тўлиқ бериш ёки уларни (мутахассисларни) ўзаро алмаштиришда намоён бўлади                                                                                  |
| 7. | Муносабатларни келтириб чиқаришлилиги     | Интеллектуал капитал вакиллари ҳисобланган мутахассислар ва ходимларни ишга олиш, уларга меҳнати ва бошқа вазифаларни бажарганлиги учун юзага келадиган меҳнат ва молиявий муносабатларда намоён бўлади                                                                                                   |

Интеллектуал капиталнинг айрим турларини ҳозирги пайтгача ҳисоб ва аудит объектлари сифатда тан олинмасдан келинаётганлигига сабаб интеллектуал капитал концепциясида унинг моҳияти, таснифий асослари ва таркибий элементларини, уларни баҳолаш ва ўлчаш мезонларини етарлича асосланмаганлиги, шунингдек ушбу мезонлар асосида баҳолаш ва ўлчаш тартибларини етарлича ишлаб чиқилмаганлигидандир.

Интеллектуал капиталнинг мавжуд концепцияларини эътиборга олган ҳолда унинг бухгалтерия ҳисоби ва аудит объекти сифатидаги таснифий асосларини қуйидагича белгилаш мақсадга мувофиқ деб топдик: ресурсларга тегишлилиги; фаолият тури ёки жараёнларга тааллуқлиги; хизмат муддати; янгилиги; молиявий ҳисоботда акс эттирилиши (3-расм ва 3-жадвал).



3-расм. Корхоналар интеллектуал капиталини таснифлаш асослари<sup>10</sup>.

Ҳозирги пайтда жисмоний кўринишига кўра номоддий актив сифатида ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириладиган кўплаб турдаги активлар мазмунан интеллектуал капиталнинг таркибий қисмлари ҳисобланган инсон капитали, ташкилий ва истеъмол капиталини билдиради. Шу боис ҳам, ҳисоб таълимоти ва амалиётида қўлланиладиган «номоддий активлар» атамасини ҳам шу номда аталишини қайта кўриб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

<sup>10</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Корхоналар интеллектуал капиталининг таснифий белгилари бўйича  
гуруҳлари ва турлари**


| № | Таснифий белгиси                                | Таснифий гуруҳи                                                                                | Гуруҳга кирувчи интеллектуал капитал тури ва унинг тавсифи                                                                                              |
|---|-------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | Ресурсларга тегишлилигига кўра                  | Моддий ресурсларга тегишли интеллектуал капитал                                                | *саноат намуналари;<br>*савдо маркалари                                                                                                                 |
|   |                                                 | Меҳнат ресурсларига тегишли интеллектуал капитал                                               | *бизнеснинг умумий ишчи кучидан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқлар                                                                                         |
|   |                                                 | Молиявий ресурсларга тегишли интеллектуал капитал                                              | *франчайз                                                                                                                                               |
| 2 | Фаолият тури ёки жараёнларга тааллуқлигига кўра | Асосий фаолият (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш)га доир интеллектуал капитал | *лицензиялар;<br>*товар белгиси;<br>*маҳсулотни тарқатиш тижорат тармоғидан фойдаланиш ҳуқуқи                                                           |
|   |                                                 | Бошқарув жараёнига доир интеллектуал капитал                                                   | *корхонанинг ташкилий тузилмаси ва бизнесни бошқариш тизимидан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқ                                                             |
|   |                                                 | Илм-фанга доир интеллектуал капитал                                                            | *илмий ҳамкорлик харажатлари;<br>*патент, ноу-хау                                                                                                       |
| 3 | Янгиллигига кўра                                | Мавжуд, яратилган интеллектуал капитал                                                         | *амалдаги лойиҳалар                                                                                                                                     |
|   |                                                 | Янги яратилаётган интеллектуал капитал                                                         | *инновацион лойиҳалар                                                                                                                                   |
| 4 | Хизмат муддатига кўра                           | Узоқ муддатли интеллектуал капитал                                                             | *бир йилдан кўп муддатга хизмат қилувчи интеллектуал капитал                                                                                            |
|   |                                                 | Қисқа муддатли интеллектуал капитал                                                            | *бир йилгача муддатда амал қиладиган интеллектуал капитал                                                                                               |
|   |                                                 | Муддати узайтирилган интеллектуал капитал                                                      | *интеллектуал капитал бўйича солиқ имтиёзлари;<br>*интеллектуал капиталга доир дисконтлар;<br>*интеллектуал капиталга доир узоқ муддатли қарзлар        |
| 5 | Баланс ва ҳисоботда акс эттирилишига кўра       | Балансда акс эттириладиган интеллектуал капитал                                                | *бухгалтерия балансида қайд этилган интеллектуал капитал турлари                                                                                        |
|   |                                                 | Балансдан ташқари счётларда акс эттириладиган интеллектуал капитал                             | *бухгалтерия балансида қайд этилмаган, бироқ актив ва мажбуриятларни акс эттирувчи балансдан ташқари счётларда кўрсатилган интеллектуал капитал турлари |
|   |                                                 | Молиявий ҳисоботга тушунтириш хатларида изоҳланадиган интеллектуал капитал                     | *қиймати аниқланмаган, шу билан бирга корхона фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи интеллектуал капитал турлари                                         |

Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудитининг ўта муҳим концептуал масалаларидан бири бўлиб, уларни баҳолаш ва ўлчашга оид ёндашув ва усулларни белгилаш ҳисобланади. Ишда интеллектуал капитал объектларининг қийматини аниқлашда учта асосий ёндашувга (даромадли, қиёсий ва харажатли) таяниш ҳамда ушбу ёндашувлар таркибига қуйидаги усулларни киритиш лозимлиги асосланди (4-расм).

Бошланғич ахборотнинг вақт хусусияти нуқтаи-назаридан даромадли ёндашув бизнес қийматини унинг келгусидаги кўрсаткичларини башорат қилган ҳолда аниқлашга, қиёсий ёндашув мулк объектларининг қийматини

ҳозирги вақтда аниқлашга, харажатли ёндашув эса корхона томонидан тан олинган интеллектуал капитал таннархини аниқлашга, бевосита уларни ҳисобот ва ҳисоботда акс эттиришга имкон беради.

Кейинги муҳим масалалардан бири бўлиб интеллектуал капитал аудитининг назарий асосларини такомиллаштириш ҳисобланади. Интеллектуал капиталнинг яхлит бизнесга тегишли эканлигини ҳисобга олиб, тадқиқотлар натижасида «Бизнесни аудит қилиш» тушунчасини тавсия этилди ва унга қуйидагича таъриф берилди: *Бизнес аудити* деганда ваколатли мустақил шахс миқдорий баҳоланадиган ва тегишли бизнес тизимга тааллуқли бўлган ахборотнинг умумий қабул қилинган мезонларга мос келиш даражасини аниқлаш ва ўз хулосасида ёки бошқа оммавий хабарда ифодалаш мақсадида ушбу ахборот ҳақидаги далилларни тўплаб, баҳолайдиган жараён тушунилади.



4-расм. Корхоналар интеллектуал капиталини баҳолаш ёндашувлари ва уларда қўлланиладиган усуллар<sup>11</sup>.

Диссертациянинг «Интеллектуал капитал ҳисобининг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш» деб номланган иккинчи бобида интеллектуал капитал таркибий қисмларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришнинг ҳозирги ҳолати, мавжуд муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш йўллари тадқиқ этилган. Тадқиқотлар натижасида республикада интеллектуал капитал ҳисобида эришилган асосий ютуқлар, шунингдек мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Республикада интеллектуал капитал ҳисобида эришилган асосий ютуқлар бўлиб, интеллектуал капитални ташкил қилувчи инсон капитали,

<sup>11</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ташкилий капитал ва истеъмол капиталининг айрим турлари ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи 7-сон БҲМС «Номоддий активлар» қабул қилинганлиги, уларнинг ҳисобини юритиш учун 0400 «Номоддий активлар», 0500 «Номоддий активлар амортизацияси», 0830 «Номоддий активларга инвестициялар» каби счётларни ҳамда уларни юритиш тартибларини 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»да белгиланлиги ҳисобланади.

Яна бир муҳим жиҳат интеллектуал капитал бўйича аналитик счётларни ташкил этиш ҳамда уни тегишли ҳужжатларда ва ҳисоб регистрларида акс эттириш масаласи ҳисобланади. Шу сабабли уларни аналитик счётларини юритишда унинг гуруҳланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Тадқиқот жараёнида гудвиллга доир амалдаги ҳисоб тамойиллари тўлиқ шаклланмаганлиги, унинг таркибида ноўрин ҳисобга олинаётган қийматларнинг мавжудлиги илмий жиҳатдан асосланди ва унинг ҳисобини алоҳида юритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди ҳамда гудвиллни бухгалтерияда ҳисобга олиш усуллари такомиллаштирилди.

Бухгалтерия ҳисобининг амалдаги стандартларига кўра номоддий активлардан бири гудвилл фақат бир корхона томонидан бошқа корхонанинг харид қилиниши чоғида юзага келади ва айирбошлаш операцияси санасидаги компаниянинг харид қиймати билан хариддорнинг харид қилинадиган идентификацияланадиган активлар ва мажбуриятларнинг адолатли қийматидаги улушлари ўртасидаги фарқ сифатида намоён бўлади. Ушбу миқдор ҳисоб-китоб қилиш йўли билан, харид қилинаётган корхонанинг ҳақиқий қиймати билан уни харид қилиш санасидаги корхона соф активларининг бозор қиймати (барча мажбуриятлар суммаси айирилган ҳолда активларнинг бозор қиймати) ўртасидаги тафовут шаклида белгиланади. Мазкур кўрсаткич гудвилл – «goodwill» (яхши ният) номига эга бўлиб, харидор керагидан кўп маблағ тўлаётганини билган ҳолда, бунинг сабабини ошкор этмасдан бухгалтерия ҳисобида акс эттиради.

Фикримизча, гудвилл, аслида, муайян битим натижаларига кўра бизнес (мулкӣ мажмуа сифатида корхона) капиталини бозор ва бухгалтерия усули билан баҳолаш ўртасидаги фарқни талқин этувчи ҳисоб-китоб усули ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобининг қоидаларига кўра кўзга кўринмайдиган нарса учун тўлашга рухсат этилмаслиги боис, баланс қийматини харид нарҳида ҳисоблаб чиқишни ва ўртадаги фарқни аслини олганда маъносиз «яхши ният» атамаси билан белгилаш шартли равишда қабул қилинган.

Тадқиқотларимиз натижасида гудвилл билан боғлиқ муаммони ҳал этишнинг қуйидаги шакли тавсия этилади. Унга кўра бугунги кунда гудвилл таркибига кирувчи ноаниқ ном, қиймат ва самарадорликка эга бўлган активлар алоҳида ажратилиши натижасида активлар таркиби аниқлаштирилади, қийматлари аниқ белгиланади ва улардан олинаётган самарадорлик даражаси аниқ баҳоланади. Бунда бухгалтерия ҳисобидаги мутаносиблик тамойили бевосита ишлайди.

Юқорида айтилганларнинг барчаси шундан далолат бериб турибдики,

корхона балансида бизнес интеллектуал капиталининг ҳамма таркибий қисмлари ҳам акс эттирилмайди.

Республикамизда интеллектуал капитал ҳисобида мавжуд муаммолар сирасига интеллектуал капитални ташкил қилувчи инсон капитали, ташкилий капитал ва истеъмол капиталининг айрим турлари ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини тўлиқ белгиланмаганлиги, шунингдек амалдаги 0400 «Номоддий активлар» счётининг номланиши, таркиби, унинг ахборот беришдаги чекловларини киритиш мумкин.

Ишда амалдаги 0400 «Номоддий активлар» счётини «Интеллектуал капитал» деб номлаш, унинг таркибини қуйидагича реструктуризация қилиш тавсия этилди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### «Номоддий активлар» счётини реструктуризация қилиш Амалда

| Счёт №      | Счёт номи                                             |
|-------------|-------------------------------------------------------|
| <b>0400</b> | <b>Номоддий активлар</b>                              |
| 0410        | Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау                     |
| 0420        | Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари |
| 0430        | Дастурий таъминот                                     |
| 0440        | Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқлари       |
| 0460        | Франчайз                                              |
| 0470        | Муаллифлик ҳуқуқлари                                  |
| 0480        | Гудвилл                                               |
| 0490        | Бошқа номоддий активлар                               |

### Таклиф

| Счёт №      | Счёт номи                                                                                                       |
|-------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>0400</b> | <b>Интеллектуал капитал</b>                                                                                     |
| <b>0410</b> | <b>Инсон капитали</b>                                                                                           |
| 0411        | Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау                                                                               |
| 0412        | Мутахассиснинг вақти, билимлари ва кўникмаларидан мунтазам фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқлар                      |
| 0413        | Бизнеснинг умумий ишчи кучидан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқлар                                                  |
| 0414        | Муаллифлик ҳуқуқлари                                                                                            |
| 0415        | Ишбилармонлик нуфузи (тижорат ваъдаларини бажариш)дан эришиладиган иқтисодий фойдага эгалик ҳуқуқи              |
| 0416        | Бошқа турдаги инсон капитали                                                                                    |
| <b>0420</b> | <b>Ташкилий капитал</b>                                                                                         |
| 0421        | Франчайз                                                                                                        |
| 0422        | Дастурий таъминот                                                                                               |
| 0423        | Тижорат сири ва ишлаб чиқариш сирини ташкил этувчи ташкилий ахборотдан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқлар          |
| 0424        | Корхонанинг ташкилий тузилмаси ва бизнесни бошқариш тизимидан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқлар                   |
| 0425        | Тижорат шерикчилигида иштирок этишдан олинадиган иқтисодий фойдага эгалик ҳуқуқи                                |
| 0426        | Электрон алоқа тармоқларидан фойдаланиш ҳуқуқи                                                                  |
| 0427        | Корхона доирасида яратиладиган кундалик ахборот ресурслари ва технологияларидан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқлар |
| 0428        | Бошқа турдаги ташкилий капитал                                                                                  |

| <b>0430</b> | <b>Истеъмол капитали</b>                                 |
|-------------|----------------------------------------------------------|
| 0431        | Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари    |
| 0432        | Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқлари          |
| 0433        | Маҳсулотни тарқатиш тижорат тармоғидан фойдаланиш ҳуқуқи |
| 0434        | Келажак рекламаси                                        |
| 0435        | Корхона мижозлари ахборот базаси                         |
| 0436        | Илмий ҳамкорлик харажатлари                              |
| 0437        | Бошқа турдаги истеъмол капитали                          |

Тадқиқотлар натижасида корхоналар интеллектуал капиталнинг алоҳида турлари бўйича таркибини шакллантиришга йўналтирилган инвестицияларнинг ўзига хос хусусиятлари асосланиб ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш баробарида, интеллектуал капитал тўғрисидаги ахборотларни ташқи фойдаланувчиларга бериш имкониятларини кенгайтириш мақсадида улар ҳақидаги ҳисобот шаклининг тузилиши ва кўрсаткичлари, уларни акс эттириш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Хусусан, номоддий активларни яратишга (харид қилишга) киритилаётган инвестициялар ҳисобини юритишнинг қуйидаги қоидалари тақлиф этилди:

1) Умумий қоида сифатида, номоддий активлар ҳисобга (0400-счётда) иқтисодий фойда олиш имконини берувчи ҳуқуқларни олиш вақтида қабул қилинади. Кўрсатилган санагача корхонанинг бундай ҳуқуқларни олиш билан боғлиқ барча харажатлари узоқ муддатли инвестициялар (0800) счётида акс эттирилади. Счётда тўпланган харажатлар суммаси номоддий активнинг дастлабки қийматини шакллантиради.

2) Корхонанинг иқтисодий фойда олиш мутлақ ҳуқуқлари тарқалиб боришининг объектив кечаётган жараёнини ҳисобга олган ҳолда, номоддий активлар ҳисоб қиймати ўзгармас бўлиши мумкин эмас. Демак, мазкур номоддий активларга киритиладиган барча кейинги қўйилмалар ҳам дастлаб 0800 счётида ҳисобга олинади. Корхона юқорида кўрсатилган қўйилмалардан иқтисодий фойда олишни бошлаган санадан эътиборан уларнинг суммаси 0400 счётининг тегишли қисмига ўтказилади ва ушбу идентификацияланадиган номоддий активни фойдали ишлатиш муддати мобайнида амортизация қилинади. Бунда, барча кейинги қўйилмалар бўйича номоддий активни фойдали ишлатиш муддати янгидан ҳисоблаб чиқилади.

3) Ушбу алгоритм корхонанинг номоддий активларига киритилган қўйилмалар ҳисобини юритишнинг соф техник бухгалтерия тартиби ҳисобланади. Яъни, 0400 счётида ҳисобда турган «номоддий активлар қолдиқ қиймати»нинг суммасига бизнес интеллектуал капитали тегишли таркибий қисмларининг ҳақиқий қиймати сифатида қаралмаслиги керак.

Юқорида баён этилган тамойилларни амалга ошириш учун биз томонимиздан бугунги кунда 2000, 2300, 9400 ва бошқа счётларда ҳисобга олиннадиган чиқимлар таркибидан амалда интеллектуал капиталга қўйилмалар ҳисобланадиган харажатларни ажратиш ва уларни интеллектуал капиталнинг тегишли таркибий қисмларига «боғлаш» тақлиф этилади.

Ишда корхоналар интеллектуал капитали тўғрисидаги ахборотларни ташқи фойдаланувчиларга бериш имкониятларини кенгайтириш мақсадида интеллектуал капитал ҳақидаги ҳисобот шаклининг тузилиши ва кўрсаткичлари, уларни акс эттириш тизими такомиллаштирилди. Чунки, интеллектуал капитал ҳисобининг ахборот бериш имкониятларини ошириш, ҳисоб маълумотларидан фойдаланувчилар учун қулайликлар яратиш бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади. Зеро ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида интеллектуал капиталнинг ҳиссаси ортиб бормоқда. Бу ҳолат бизнинг иқтисодиётимизга ҳам кириб келмоқда. Буларни инобатга олиб, тадқиқот жараёнида «Интеллектуал капитал тўғрисида ҳисобот»нинг намунавий шакли ишлаб чиқилди ва амалиётда фойдаланиш учун таклиф этилди.

Фикримизча, корхоналар ҳисоботларининг мазкур янги тури корхона ва маълумот фойдаланувчилари ўзаро ахборот алмашинувида муносиб ўрин эгаллаши учун қуйидаги тамойилларга жавоб беради: ҳисоботни тақдим этиш шакли ва унда келтирилган кўрсаткичларни акс эттириш услуби стандартлаштирилади; тақдим этилаётган ахборотнинг фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун қулайлигига эришилади; ҳисоботни тўлдиришнинг ихтиёрийлиги амалга оширилади.

Интеллектуал капитал борган сари тараққий топаётган ҳозирги шароитда улар ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштиришга қаратилган таклифларимиз бизнес иштирокчиларининг ахборотга бўлган яхлит эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Интеллектуал капитал аудитининг ташкилий ва методологик асосларини такомиллаштириш**» номли учинчи бобида интеллектуал капитал аудитининг ташкилий ва методологик муаммолари тадқиқ этилган. Тадқиқот жараёнида интеллектуал капитал бизнес аудитини амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва улар ўзаро боғлиқлигининг такомиллашган занжири, интеллектуал капитал компонентлари аудитини амалга ошириш кетма-кетлиги ишлаб чиқилди ва уни амалга ошириш йўллари таклиф этилди.

Умумий бизнесни аудит қилишни ташкилий таъминоти ва методологик тартиблари аудиторлик фаолиятининг халқаро ва миллий стандартларида етарлича очиқ берилмаган. Ушбу масалаларнинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда ишда бизнес аудитининг ўзаро боғлиқлик занжири ишлаб чиқилди (5-расм). Шунингдек, интеллектуал капитал таркибий қисмлари аудиторлик текширувини қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш таклиф этилди (6-расм). Таклиф этилаётган аудит кетма-кетлигининг амалиётда аудиторлик текширувини амалга ошириш жараёнида аудитор учун қандай ишларни ва қайси кетма-кетликда бажарилишни белгилашга ёрдам беради. Натижада аудит режаси ва дастурини тузиш ва уларнинг амалдаги ижроси сезиларли даражада енгиллашди.




| БИЗНЕС АУДИТИНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИК ЗАНЖИРИ             |                                                              |                                                                                      |                                                                                   |                                                                                                                                       |                                                                                                                                  |
|-------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| КАТЕГОРИЯЛАР                                          | УМУМИЙ КЎЛАМДА                                               | АНИҚ КЎЛАМДА                                                                         |                                                                                   |                                                                                                                                       |                                                                                                                                  |
| Иқтисодий категория                                   | Бизнесни аудит қилиш                                         | Бизнеснинг молиявий натижаларини аудит қилиш                                         | Бизнеснинг молиявий-саноат капиталини аудит қилиш                                 | Бизнеснинг интеллектуал капиталини аудит қилиш                                                                                        | Бизнес-жараёни аудит қилиш                                                                                                       |
| <b>Иқтисодий категориянинг муҳим чегаралари</b>       | <b>Бизнес капитали ва трансакциялари</b>                     | Бизнес натижалари                                                                    | Бизнеснинг молиявий-саноат капитали                                               | Бизнеснинг интеллектуал капитали                                                                                                      | Бизнес трансакциялари                                                                                                            |
| <b>Шакл бўйича иқтисодий категориянинг чегаралари</b> | <b>Бизнес-модель</b>                                         | Бизнеснинг муддати кечиктирилган (молиявий) модели                                   |                                                                                   | Бизнеснинг илгарилаб борувчи модели                                                                                                   |                                                                                                                                  |
| <b>Иқтисодий категориянинг таркибий қисмлари</b>      | <b>Бизнес-тизим</b>                                          | Фирманинг ҳисобот давридаги фаолияти                                                 |                                                                                   | Фирманинг яқин келажакдаги фаолияти                                                                                                   |                                                                                                                                  |
|                                                       | <b>Миқдорий жиҳатдан баҳоланадиган ахборот</b>               | Корхона фаолиятининг молиявий натижалари тўғрисида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари | Корхонанинг молиявий ва мулкый аҳволи тўғрисида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари | Бизнеснинг интеллектуал капитали тўғрисида тезкор ахборот ва ҳисобот                                                                  | Корхонанинг асосий фаолияти тўғрисида тезкор ахборот ва ҳисобот                                                                  |
|                                                       | <b>Ахборотни баҳолашнинг умумий қабул қилинган меъёрлари</b> | Бухгалтерия ҳисоби стандартлари                                                      |                                                                                   | Кўрсаткичларни шакллантириш ва бизнеснинг интеллектуал капитали тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этишнинг умумқабул қилинган стандартлари | Кўрсаткичларни шакллантириш ва корхонанинг асосий фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этишнинг умумқабул қилинган стандартлари |
|                                                       | <b>Далилларни тўплаш ва баҳолаш жараёни</b>                  | Ҳужжатли текшириш<br>Текшириш натижаларини ҳужжатлаштириш                            |                                                                                   | Бизнеснинг кўзга кўринмайдиган таркибий қисмлари мониторингини юритиш<br>Бизнеснинг ички қийматини баҳолаш                            |                                                                                                                                  |
|                                                       | <b>Ваколатли мустақил шахс</b>                               | Аттестациядан ўтган мутахассис (аудитор, тизимли таҳлилчи)                           |                                                                                   |                                                                                                                                       |                                                                                                                                  |
|                                                       | <b>Натижалар тўғрисида маълумот</b>                          | Шакллантирилган аудиторлик хулосаси                                                  |                                                                                   | Шакллантирилган аудиторлик хулосаси ва бизнес қийматининг истиқболлини белгилаш                                                       |                                                                                                                                  |

**5-расм. Бизнес аудитини амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва улар ўзарo боғлиқлигининг таклиф этилаётган такомиллашган занжири<sup>12</sup>.**

<sup>12</sup>Муаллиф ишланмалари асосида шакллантирилган.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КАПИТАЛ КОМПОНЕНТЛАРИНИ  
АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ КЕТМА-КЕТЛИГИ**



**6-расм. Интеллектуал капитал компонентлари аудитини амалга ошириш кетма-кетлиги<sup>13</sup>**

Диссертациянинг «Интеллектуал капитал аудитида таҳлилий амалларни қўллашнинг методологик масалалари» деб номланган тўртинчи бобда, аудиторлик текширувларида хўжалик субъектлари фаолиятини баҳолашнинг интеграл мезони, интеллектуал капитални бошқариш жараёнида қўлланиладиган таҳлилий амаллар кўрсаткичлари тизимининг тавсифи, бизнес фаолиятини баҳолашни интеграл таҳлилининг замонавий моделларидан фойдаланиш йўллари ёритилган.

Тадқиқот натижасида интеллектуал капитал аудитининг корхоналар бизнес фаолиятига таъсирини баҳолашнинг эконометрик модели ишлаб чиқилди ва уни миқдорий ва сифатий кўрсаткичларни таҳлил қилишда ҳамда прогнозлаштиришда қўллаш йўллари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асосланди. Хўжалик юритувчи субъектлар аудитида таҳлилий амаллар асосида интеллектуал капиталга қилинган харажатларни ҳар томонлама ўрганиш жараёнида уларнинг 5 йиллик кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Бунда

<sup>13</sup>Муаллиф ишланмалари асосида шакллантирилди.

тармоқ бўйича харажатлар ўзаро таққосланди (5-жадвал).

5-жадвал

**«Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарда интеллектуал капитал харажатларининг қиёсий таҳлили, млн.сўмда<sup>14</sup>**

| №  | Кўрсаткичлар                                             | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. |
|----|----------------------------------------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|
| 1. | Номоддий активлар (0400-0500)                            | 431,5   | 388,3   | 429,8   | 742,7   | 783,8   |
| 2. | Давр харажатлари (9420)                                  | 1468,7  | 1578,9  | 1677,8  | 1773,4  | 1871,1  |
| 3. | Малака ошириш учун қилинган харажатлар                   | 98,7    | 169,8   | 143,9   | 171,5   | 189,7   |
| 4. | Ишлаб чиқилган янги технология ва ихтиролар              | 2774,1  | 3145,7  | 4111,3  | 5741,9  | 6418,4  |
| 5. | Янги технология сотиб олиш учун қилинган харажатлар      | 41244,4 | 57847,8 | 74452,2 | 79954,3 | 81947,9 |
| 6. | Киритилган чет эл инвестициялари (АҚШ долларарида, млрд) | 2,411   | 2,745   | 2,345   | 2,844   | 3,178   |

Келтирилган қиёсий таҳлил натижасида номоддий активлар қиймати динамикасининг бошқа кўрсаткичлар динамикасига солиштирилган ҳолда, уларнинг мақсадли счётларда акс эттирилиши қанчалик зарурият касб этаётганлигини кўриш мумкин бўлади.

Бизнинг тадқиқотларимизда Ўзбекистон енгил саноат тармоғида физик капитал, меҳнат харажатлари ва инсон капиталини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини қай даражада эканлиги эконометрик усул билан баҳоланди. Ушбу назарда тугилган эконометрик усул ишлаб чиқаришнинг моддий асосини моделлаштириш имкониятини берди ҳамда тармоқ даражасидаги ишлаб чиқаришда бирор омилсиз натижани ҳосил қилувчи шароит юзага чиқа олмаса, унинг тенгламаси қуйидаги мультипликатив кўринишга эга бўлиши тавсия этилди:

$$Q_i = \beta_1 X_{2i}^{\beta_2} X_{3i}^{\beta_3} X_{4i}^{\beta_4} e^{u_i}, \quad \beta_2 > 0, \quad \beta_3 > 0, \quad \beta_4 > 0 \quad (1)$$

бунда,  $Q_i$  – енгил саноат тармоғида ялпи ишлаб чиқариш ҳажми,  $X_2$  – тармоқда меҳнат харажатлари,  $X_3$  – физик капитал,  $X_4$  – инсон капитал,  $u$  – тасодифий ҳодиса,  $e$  – натурал логарифм асосини ифода этади.

Шунингдек, амалиётда мультипликатив шаклдаги эконометрик моделнинг параметрларини тўғридан-тўғри аниқлаш имконияти мавжуд бўлмаганлиги сабабли, юқоридаги ишлаб чиқариш функциясини иккала томонини логарифмлаб оламиз ва уни чизиқли кўринишга келтирамиз. Бундай ҳолда унинг умумий кўриниши қуйидаги аддитив модель шаклига эга тенглама бўлади:

$$\ln Y_i = \ln \beta_1 + \beta_2 \ln X_{2i} + \beta_3 \ln X_{3i} + \beta_4 \ln X_{4i} + u_i = \beta_0 + \beta_2 \ln X_{2i} + \beta_3 \ln X_{3i} + \beta_4 \ln X_{4i} + u_i, \quad (2)$$

бунда,  $\beta_0 = \ln \beta_1$ .

Ўзбекистон енгил саноат тармоғида 2000-2016 йиллар оралиғида ялпи

<sup>14</sup>Тадқиқот объекти маълумотлари асосида муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

ишлаб чиқаришнинг моддий асоси бўйича миқдорий боғлиқликни ўрнатадиган бўлсак, у ҳолда қуйидаги регрессия тенгламасига эга бўламиз:

$$\ln Q_t = 0.3 + 0.25 \ln Labor_t + 0.3 \ln Capital_t + 0.55 \ln Human_t, \quad (3)$$

бунда,  $R^2 = 0.908$ ,  $F_{\text{хак}} = 266.4$ ,  $RSS_{UR} = 0.0007$ .

Маълумки, омиллар дисперсияси регрессия тенгламасидаги меҳнат ва капитал омилларининг ялпи ишлаб чиқариш тебранишига таъсирини, қолдиқ дисперсия эса аксинча, регрессия тенгламасига киритилмаган омилларнинг ялпи ишлаб чиқариш тебранишига таъсирини характерлайди.

Мазкур нисбат корреляцион боғланиш кучини характерлаб, кўп ўлчовли детерминация коэффицентини деб аталади ва у ялпи ишлаб чиқариш умумий вариациясининг 90,8%и меҳнат харажатлари, физик ва инсон капитали омиллари ҳисобига шаклланганлигини англатади.

Кўп ўлчовли детерминация коэффицентини квадрат илдиз остидан чиқариш натижасида кўп омилли корреляция коэффицентини ҳосил бўлади ҳамда у меҳнат харажатлари, физик ва инсон капитали омиллари билан ялпи ишлаб чиқариш орасидаги боғланишнинг зичлик даражасини ифодалайди:

$$R_{(\text{laborcapital})} = \sqrt{0.908} = 0.953 \quad (4)$$

Ишлаб чиқариш функцияси параметрларидан кўришиб турибдики, бунда  $\beta_2 + \beta_3 + \beta_4 = 1.1$  га тенг бўлиб, мазкур ҳолат ишлаб чиқариш омилларига харажатларни  $k$  мартага оширсак,  $(\beta_2 + \beta_3 + \beta_4 > 1$  дан катта бўлганда), энгил саноат тармоғида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг  $k$  мартадан кўпроқ кўпайишига сабаб бўлади, бу эса ўз навбатида тармоқда иқтисодий ўсишнинг  $k$  мартадан ортиқроқ кўпайишига олиб келади. Шунингдек,  $1.1 > 1$  бўлгани учун энгил саноат тармоғида иқтисодий самарадорлик юқори бўлиб, мазкур тармоқ республикада «тез ўсувчан» тармоқлар сирасига кириши қайд этилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда энгил саноат тармоғининг ишлаб чиқариш функциясини мультипликатив тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Q_i = 0.3 K_i^{0.3} L_{3i}^{0.25} H_{4i}^{0.55}, \quad \beta_2 > 0, \quad \beta_3 > 0, \quad \beta_4 > 0, \quad (5)$$

бунда,  $K$ ,  $L$ ,  $H$ – мос равишда энгил саноат тармоғида сарфланган физик капитал, меҳнат ва инсон капиталига харажатлар.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, республика энгил саноат тармоғи интенсив ўсиш билан характерли бўлиб, тармоқ ишлаб чиқаришини ривожлантиришда нафақат миқдорий кўрсаткичларни, балки сифат кўрсаткичларини ҳам яхшилаш мақсадга мувофиқ экан. Чунки, эконометрик таҳлилларга кўра, энгил саноат тармоғида меҳнат харажатларини кўшимча равишда 1 % га ошириш тармоқни кўшимча равишда 0,25 % га, физик капитални кўшимча равишда 1 % га ошириш тармоқни кўшимча равишда 0,3 % га ошириш ҳамда энгил саноат тармоғида инсон капиталига харажатларни 1 % га ошириш тармоқнинг кўшимча равишда 0,55 % га ўсишига олиб келади.

## ХУЛОСА

1. Тадқиқот натижасида иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги талабларидан келиб чиққан ҳолда, интеллектуал капиталнинг таркибий тузилмаси ва компонентлари илмий жиҳатдан асосланди ва улар негизида корхоналарда интеллектуал капитални бухгалтерия ҳисоби ва аудит объекти сифатида тан олиниши ҳамда уларнинг такомиллаштирилган таснифи ҳисоб ва аудитнинг қулайлигига хизмат қилади. Жаҳон амалиётида иқтисодий ўсишга инсон капитали ва инновацияларнинг таъсири юқори эканлиги исботланган бир шароитда, миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатини таъминлаш учун инсон капитали ҳиссасини мунтазам равишда ошириб бориш муҳим стратегик аҳамият касб этади.

2. Интеллектуал мулк, номоддий активлар интеллектуал капиталнинг таркибий қисми бўлиб, уларнинг турлари бўйича ҳисоб ва ҳисоботда алоҳида тан олиниши мезонлари ва баҳоланишнинг такомиллаштирилган тартиблари барча турдаги ва мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларда ягона тизим асосида фойдаланилиши мақсадга мувофиқ.

3. Тадқиқот давомида гудвиллга доир амалдаги ҳисоб тамойиллари тўлиқ шаклланмаганлиги, унинг таркибида ноўрин ҳисобга олинаётган қийматларнинг мавжудлиги илмий жиҳатдан асосланди ва уларнинг ҳисобини алоҳида юритилиши ҳисоб маълумотларидан фойдаланувчилар учун оператив ва узоқ муддатли қарорлар қабул қилишда муҳим роль ўйнайди. Гудвилл компаниянинг харид қилиниши ва айирбошлаш жараёнида унинг харид қиймати билан харид қилинадиган идентификацияланадиган активлар ва мажбуриятларнинг қийматидаги фарқ катта бўлганлиги боис томонларнинг ошкор этмасдан бухгалтерия ҳисобида акс эттириляётганлиги асосланди ва бу асосиз қиймат сифатида гудвилл таркибига кирувчи ноаниқ ном, қиймат алоҳида баҳоланиши, ҳисобга олиниши бухгалтерия ҳисоби ва аудитда активларнинг мақсадли акс эттирилиши ҳамда ҳисоб ва аудит самадорлигининг ошишини таъминлайди.

4. Ишда интеллектуал капитални алоҳида турлари бўйича таркибини шакллантиришга йўналтириладиган инвестицияларнинг ўзига хос хусусиятлари асосланган бўлиб, ҳисоб регистрларида мазкур инвестициялар кўп босқичли ва тизимли кетма-кетликда акс этирилиши зарур. Интеллектуал капиталга йўналтириляётган инвестицияларнинг капиталлашувини таъминлаш, активлар таркибини оптимал тарзда шакллантириш мақсадида 21-сон БҲМСнинг 0400 – «Номоддий активлар» счётининг номини «Интеллектуал капитал» деб ўзгартириш ҳисобнинг мақсадли ва самарли амалга оширилишга хизмат қилади.

5. Тадқиқот жараёнида бугунги кун талабидан келиб чиқиб, корхоналар интеллектуал капитали тўғрисидаги ахборотларни ташқи фойдаланувчиларга бериш имкониятларини кенгайтириш ва бунга асосан интеллектуал капитал ҳақидаги ҳисобот шаклининг тузилиши ва кўрсаткичларини акс эттириш тизими миллий бухгалтерия ҳисобининг халқаро ҳамжамият бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан интеграциялашувчига замин яратади. Ҳисобот

интеллектуал капитал кўрсаткичларини акс эттириш услубининг стандартлаштирилиши, тақдим этилаётган ахборотлар фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун қулайлиги, ҳисоботни тўлдиришнинг ихтиёрийлиги каби ўзига хос хусусиятлари билан аҳамиятлидир.

6. Бозор муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда интеллектуал капитал бизнес аудитини ташкил этиш занжири ва уни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш интеллектуал капитал аудити бизнес кўламини тўлиқ қамраб олиши, унинг истиқболга қаратилганлиги, аудиторлик фаолиятининг янги йўналишининг амалга киритилиши мазкур фаолиятнинг кетма-кетлигини тақазо қилганлиги учун аудиторлик текширувини амалга ошириш жараёнида аудитор учун ишлар самарадорлиги, аудит режасининг оптимал тузилиши ва дастурни амалга оширишда сезиларли энгилликларга эга бўлиши имконини берди.

7. Тадқиқот натижасида интеллектуал капитал аудитининг корхоналар бизнес фаолиятига таъсирини баҳолашнинг эконометрик модели тармоқ миқдорий ва сифатий кўрсаткичларни таҳлил қилишда ҳамда прогнозлаштиришда қўлланилди. Ушбу усулнинг энгил саноат тармоғида қўлланилиши ишлаб чиқаришни жадаллаштириш учун инновацион омилларга кўпроқ эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Эконометрик таҳлилларга кўра, энгил саноат тармоғида меҳнат харажатларини кўшимча равишда 1 % га ошириш тармоқни кўшимча равишда 0,25 % га, физик капитални кўшимча равишда 1 % га ошириш тармоқни кўшимча равишда 0,3 % га ошириш ҳамда энгил саноат тармоғида инсон капиталига харажатларни 1 % га ошириш тармоқнинг кўшимча равишда 0,55 % га ўсишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида республика энгил саноат тармоғи интенсив ўсиш билан характерли бўлиб, тармоқ ишлаб чиқаришини ривожлантиришда омилларни миқдорий эмас, сифат кўрсаткичларини яхшилаш мақсадга мувофиқлигидан далолат беради.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий-назарий ҳамда амалий тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини ва ўқув дастурларини такомиллаштириш имконини беради, тайёрланаётган кадрлар малакаси ва кўникмасини ошириш эвазига инсон капиталини такомиллаштириш билан бирга 2017-2021 йилларга мўлжалланган мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга бағишланган ҳаракатлар стратегиясидаги вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.1.17.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
ЭКОНОМИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ПУЛАТОВ МУХИДДИН ЭГАМБЕРДИЕВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ УЧЁТА И АУДИТА  
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО КАПИТАЛА**

**08.00.08 – Бухгалтерский учёт, экономический анализ и аудит**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ  
ПО ЭКОНОМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент –2017 год**

**Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.DSc/Iqt22.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Официальные оппоненты:** **Ибрагимов Абдугапур Каримович**  
доктор экономических наук, профессор

**Курбонов Зият Ниязович**  
доктор экономических наук, профессор

**Каримов Ньматулла Фатхуллаевич**  
доктор экономических наук, профессор

**Ведущая организация:** Ташкент государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.I.17.01 при Ташкентском финансовом институте. Адрес: 100000, город Ташкент, ул. А.Темура, 60А. Тел.:(99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz).

С докторской диссертацией (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского финансового института (зарегистрировано под номером \_\_\_\_). Адрес: 100000, город Ташкент, ул. А.Темура, 60А. Тел.:(99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.  
(протокол реестра №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года).

**Н.Х.Хайдаров**

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор экономических наук, профессор

**С.У.Мехмонов**

Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, кандидат экономических наук, профессор

**А.Ж.Туйчиев**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор экономических наук, доцент



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** На сегодняшний день в условиях глобализации мира особое внимание уделяется целевому и эффективному использованию интеллектуального и научно-технического потенциала. Исходя из опыта развитых стран мира инновационная экономика, основанная на науке и технологии, составляет основу социально-экономического развития. И поэтому необходимо внедрить инновационную экономику, прежде всего, эффективно использовать человеческий капитал, вложить в него большие инвестиции. Согласно данным программы Организации Объединённых Наций, доля средств, расходуемых на интеллектуальный капитал в валовом внутреннем продукте (ВВП) составляет: в США – 2,7%, в Японии, Швеции, Израиле – 3%-4,5%. При эффективном и целевом использовании интеллектуального капитала необходимо усовершенствовать его теоретико-методические, нормативно-правовые и организационные стороны, в частности, активы из состава гудвилла учитывать, как отдельный объект учёта, при аудите интеллектуального капитала и оценки его эффективности необходимо эффективно применять передовой опыт из мировой практики на национальном уровне.

В настоящее время, в мире исходя из современных требований, особое внимание уделяется научным изысканиям в области теоретико-методологических основ учёта и аудита интеллектуального капитала. Здесь необходимо расширить возможности пользователей финансовых отчётностей и результатов аудита на получение информации в виде новых форм отчётностей, для создания бизнес партнёрам благоприятных условий ведения их деятельности. Интеллектуальный капитал необходимо классифицировать на человеческий капитал, организационный капитал и потребительский капитал, а также обеспечить их признание и оценку, изучение их в качестве объекта в учёте и отчётностях, аудите и практических задачах. Особое внимание уделяется научным изысканиям, направленным на капитализацию расходов, выяснение вывода состава активов из активов, входящих в состав гудвилла.

В годы независимости в нашей стране получены определённые результаты в области человеческого фактора, в частности, было уделено особое внимание повышению интеллектуального потенциала, разработаны нормативно-правовые основы. Внедрён национальный стандарт бухгалтерского учёта по учету интеллектуального капитала. Вместе с этим нужно отметить, что исходя из стратегических целей развития страны, имеются ряд нерешённых проблем по совершенствованию учёта и аудита интеллектуального капитала. В программах, принятых на основе Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, были чётко поставлены задачи по «увеличению объёма инвестиций на развитие человеческого капитала, дальнейшему усовершенствованию интеграции образования и производства,

существенному увеличению количества предприятий, инвестирующих науку, направлению существующего научного потенциала и средств на важные приоритетные исследования для заказов отраслей экономики и решения определённых проблем, предоставлению льгот и преференций предприятиям, внедряющим новые технологии и широко использующие возможности интеллектуального капитала»<sup>1</sup>. В эффективном решении поставленных задач следует провести исследования по признанию интеллектуального капитала, его критериям классификации, оценке, механизмам отражения в счетах и финансовых отчётах, ведения учёта инвестиций в интеллектуальный капитал, предоставления внешним пользователям информации о компонентах интеллектуального капитала в соответствии с международной практикой учёта и планирование его аудита.

Данная диссертационная работа в определённой степени послужит решению задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» за №УП-4947 от 7 февраля 2017 года, «О дополнительных мерах по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всемерной защите частной собственности и качественному улучшению делового климата» за №4848 от 5 октября 2016 года, постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по обеспечению дальнейшего совершенствования правовых основ деятельности аудиторских услуг» за №274 от 12 мая 2017 года и других нормативно-правовых актах касательно бухгалтерского учёта и аудиторской деятельности.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями №I № «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

#### **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>2</sup>.**

Научные исследования, связанные с содержанием бухгалтерского учёта и аудитом интеллектуального капитала, решением их научно-теоретических и методологических проблем проводятся в ведущих мировых научно-исследовательских центрах и высших учебных заведениях, в том числе, The center for economic and business research (CEBR), American Institute of Certified Public Accountants (ACIPA), Harvard University, Columbia University, University of Chicago, University of California, Stanford University, Princeton University (США), Auditing Practices Committee, The Institute of Internal Auditors (IIA), PricewaterhouseCoopers, Ernst & Young, The Institute of Chartered Accountants in England and Wales – ICAEW, International Accounting

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» за №УП-4947 от 7 февраля 2017 года.

<sup>2</sup>Тема диссертации подготовлена на основе зарубежных научно-исследовательских пояснений [www.library.princeton.edu](http://www.library.princeton.edu); <https://www.cebr.com>; <http://www.ucalgary.ca>; [www.forbes.com/colleges/stanford-university](http://www.forbes.com/colleges/stanford-university); <https://www.universityofcalifornia.edu>; [en.nagoya-u.ac.jp](http://en.nagoya-u.ac.jp) и других источников.

Standards Board (IASB) (Великобритания), University of Calgary (Канада), Nagoya University, Kyoto University (Япония), Московский государственный университет, Российский Экономический университет, Тамбовский государственный университет, Новосибирский государственный университет (Российская Федерация), Ташкентский государственный экономический университет, Тошкент финансовый институт (Узбекистан).

